O'ZBEKISTON



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 18 ноябрь, № 238 (3513) Пайшанба

*18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун*

## ОЗОД ЭЛНИНГ МУҚАДДАС БАЙРОҒИ



***Давлат рамзлари шу юрт тарихи ва келажаги, анъаналари, қадриятлари, қудрати ва эзгу ниятлари тимсолидир. Аждодларимиз ҳам ўз туғи ва туғроси атрофида жипслашганлар.***

***Бундан ўн уч йил муқаддам мустақил Ватанимизнинг давлат байроғи қабул қилинган эди. Ўн уч йилдирки, у мамлакатимиздаги ташкилот ва идоралар қатори давлатимиз аъзо бўлган нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида ҳам ҳилпираб турибди.***

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ҳали мустабид тузум батамом емирилиб битмаган бир пайтда, 1990 йилнинг март ойида ўтган парламент сессиясида Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама этилганди.

Ўша йилнинг 20 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида мамлакатимиз ўз давлат рамзларини таъсис этиши тўғрисидаги масала қайд этилган. Кўп ўтмай халқимизнинг тарихий орзуси ушалди: Ватанимиз истиқлолга эришди. 1991 йил 18 ноябрь куни эса Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Унда байроғимиз мамлакатимиз суверенитети рамзи экани алоҳида таъкидланган.

Бугун у Ўзбекистоннинг чет мамлакатлардаги элчихоналари узра Ватанимиз ва халқимизнинг ёркин тимсоли бўлиб балқимоқда. Халқаро спорт мусобақаларида ғолиб бўлган юртдошларимиз шарафига байроғимиз баланд кўтарилганида ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билгувчи ҳар бир кишининг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Зеро, Ватан байроғи унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимиз акс этган. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, беғуборлик, донишмандлик тимсоли саналган. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг бағрикенглиги ва оққўнгиллиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш тимсоли. Қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат — мангулик ифодасидир.

Байроғимиздаги ярим ой ва юлдузлар тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсолидир. Шарқда ўн икки рақам мукаммаллик рамзи саналган. Ўн икки ой, ўн икки бурж... Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида раиятнинг ўн икки қатламига алоҳида эътибор қаратгани тарихдан маълум. Бинобарин, байроғимиздаги ҳилол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос теран маънога эга.

...Мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпираётган байроғимиз юракларда ҳаяжон ва ғурур уйғотади. Зотан, у ҳар бир ватандошимиз учун Ватан ва Миллат бирлиги, ифтихори ва ҳурлиги рамзидир. Уни мудом эъзозлаш барчамизнинг қонуний, виждоний бурчимиздир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



*Ғалвир сувдан кўтарилди. Йил бўйи меҳнат қилган деҳқоннинг чўмичи мойга, омбори буғдойга тўлди. Бугун пойтахт вилояти Зангиота тумани соҳибкорларининг қувончлари чексиз. Улар бу йил сабзавотчилик соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Айниқса, картошка ҳосили ҳар йилгидан ҳам мўл бўлди. Тумандаги "Иттифоқ" ширкат хўжалиги жамоаси эса ҳар гектар ердан 170-180 центнердан ҳосил олди. Куз оёқлаётган шу кунларда сабзавоткорлар шаҳарликлар дастурхонига 200 тоннадан зиёд сифатли маҳсулот тортиқ этдилар.*

*— Бир неча йилдан буён тупроқ ва маҳаллий иқлимга мос картошка навини танлаяпмиз, — дейди хўжалик раҳбари Бурҳонжон Магдалиев. — Натижа кўнгилдагидай. Биргина картошкачиликнинг ўзидан 25 миллион сўм даромад олишни чамалаяпмиз.*

*Айни пайтда улар картошкачиликни сердаромад соҳага айлантириш ниятидалар.*

**СУРАТДА: сабзавоткорлар Анваржон ва Обиджон Шукуровлар.**

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

### *МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ*

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Майкл Козак Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик жараёни борасида ўзаро фикр алмашилди. Бўлажак сайловнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя этилган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда қайд этилганидек, бугунги кунда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли ҳужжатларни ўрганиш ишлари якунига етмоқда. Сайлов иштирокчиларига сайловолди ташвиқотини олиб бориши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилган.

Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик жараёни миллий қадриятлар ва халқаро андозалар доирасида олиб борилишига алоҳида эътибор қаратяпти. Бўлажак сайловда 14 миллиондан ортиқ фуқаро овоз беради.

**(ЎзА).**

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов 2004 йил 19 ноябрь куни расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Бухорода бўладиган олий даражадаги музокаралар чоғида Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланади.

## «Шукур этсанг, шакар келгай!»

### ёхуд ёшлар тарбияси ҳақида

Тарбия илми, одоб-ахлоқ илмининг тарихи қадимий Туронзаминда бир неча минг йилларга бориб тақалади. Она юртимиз Ўзбекистонда азал-азалдан ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берилган. Зеро, мамлакат келажагини ҳам руҳан, ҳам жисмонан кучли бўлган авлод ҳал қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, боболаримиз илм билан одобни айри тасаввур қилмаганлар. Ёшларга илм одобсиз ёки одоб илмсиз ўргатилмаган. Тарбия тизимида илм ва одоб бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис дунёвий ва диний илмларни чуқур ўрганган улуғ бобокалонларимиз ботинида халқпарварлик, саховат, меҳру мурувват, бунёдкорлик каби инсоний хислатлар сингдирилган.

**_Маърифат соати_**

Авлиёлар султони Хожаи Жаҳон: «Эй фарзанд, илм билан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро, одобсиз одам Аллоҳ лутфидан маҳрумдир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик айла!» дейдилар. Ҳазратнинг ушбу ҳикматларида чуқур фалсафий маъно бор.

Инсоннинг Аллоҳ ва пайғамбар (с.а.в.) олдидаги, шунингдек, инсоннинг инсоният олдидаги ва набодот, ҳайвонот олдидаги одоби бор. Кимки мана шу одобларга амал этмаса, яъни беадаблик этса, у Аллоҳнинг ғазабига дучор бўларкан.

Имом ал Бухорийнинг «Ал Адаб ал Муфрад» китобларида ёзилганки: «Ҳазрат Оиша р.а. дедилар: «Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни урганимни кўриб: «Мулойим бўл, кимда мулойимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулойимлик хислатлари бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади, — дедилар». Кўриниб турибдики, комиллик мулойимликда, қусур қўполликда экан.

Нақл қилишларича, Ҳазрат Сайид Мир Кулол Ромитандаги боғлардан бирида ёру биродарлари билан бирга чопонларини ювибдилар ва дебдиларки: «Эй ёронлар, чопонларни пахса девор устига ёймайлик, чунки ундан униб чиққан тиканларга озор етар, зинҳор дарахтлар шохларига осмайлик, мабодо дарахтнинг шохи синса, инсон қўли сингани каби оғрийди, биз гуноҳкор бўламиз. Ўт-ўланлар устига ёймайлик, чунки қўй-қўзилар озуқаси нобуд бўлгай!» Ҳазрат Сайид Мир Кулол офтобрўяда ўтириб чопонларини қуритган экан. Дарҳақиқат, ушбу нақлда катта сабоқ мужассамдир. Бундай ўйлаб қарасак, халқ билан низо-жанжал этувчи, ўз халқига қарши курашувчи, халқидан нафратланувчи кишилар одобдан маҳрум, маънавий тубан, жоҳил кимсалар эканлиги аён бўлади. Бундай кимсалар Аллоҳ ва пайғамбар олдида ҳам беодоб саналади. Ҳатто чумолига озор бермоқ гуноҳ эканлигини билган киши онгида бузғунчилик, бадбинлик ғоялари бўлмас.

Дарвоқе, одобсиз одамга илмдан ҳеч бир манфаат йўқ. Инсонни ҳайвондан ажратувчи нарса одоб ҳисобланади. «Тариқатнинг бори — одобдир!» — деган машойихларимиз.

***Покиза ахлоқ бул ҳар вақт, ҳама ҳол,***
***Покиза хислатли зот — аҳли камол.***
***Ҳақнинг ризосидин не бор ортиқроқ?***
***Ҳақ ризодир бўлсанг покиза хисол.***

*(Абдухолиқ Ғиждувоний)*

Одоб-ахлоқли киши аҳли камол, яъни комил зот ҳисобланади. Покиза хисол (хислатли) одам Аллоҳ ризосини топади ва икки дунёда саодатли бўлади. Покиза ахлоқ одам — юртсевар, тақводор, некбин, халққа беминнат хизмат қилувчи зот ҳисобланади.

Авлиёлар буюк тарбиячилар эдилар. Ул зоти шарифларнинг ёзган нодир битиклари XXI асрда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Улуғ тарбиячилар Имом ал Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ал Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбанд илму одобда шогирдларига намуна бўлган. Шогирд учун устознинг ҳар бир қўйган қадами, ҳар бир айтган гапи, ҳар бир иши сабоқ.

Улуғ аллома, авлиёларимиз ўзи айтган гапига ўзлари амал этадиган эди. Шу боис уларнинг ҳаёти бутун бани башарга сабоқ, намуна. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари ила аллома, авлиёларимиз асарлари халқимизга пешкаш қилинаётир, зиёратгоҳлари обод этилаётир. Энди асосий вазифа мана шу алломаларнинг ибратли ҳаёти, ҳикмати, сабоғини ёшлар онгига сингдирмоқдир. Зеро, миллий ғоямиз илдизини улуғ бобокалонларимиз фалсафий қарашлари ташкил этишини унутмаслигимиз даркор. Яна шуни ҳам ёдда тутишимиз зарурки, ота-онага, устозга, раҳбарга ҳурмат, ёшларга шафқат, камбағалга саховат, яхши-ёмон кунга шукроналик, бағрикенглик боболаримиз, улуғларимизнинг асосий фазилатидир. Мана шу фазилатлар уларни жаҳонга машҳур этди.

***Шукур этсанг, шакар келгай,***
***Ношукурга заҳар келгай!***
***Шокирларга бахт кулажак,***
***Ношукурга хатар келгай.***

**Садриддин Салим БУХОРИЙ.**



*Олий Мажлис XVI сессияси олдидан*

## ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

### ҳар биримизнинг табиатимизда чуқур илдиз отсин

Кеча Олий Мажлиснинг Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Қ. Жумабеков бошқарган йиғилишда депутатлар кун тартибидаги биринчи масала — Олий Мажлиснинг XVI сессияси муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Шундан сўнг кун тартибидаги кейинги масала — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг кейинги уч йиллик фаолияти таҳлил қилинди. Таъкидландики, давлат қўмитаси жойларда экологик муҳитни яхшилаш ва табиатнинг мусаффолигини сақлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида табиатга зиён-заҳмат етказган 34 мингдан ортиқ шахс жаримага тортилган. Улардан 451 миллион сўм ундирилган. Бундан ташқари, табиатга жиддий зиён етказган 24 шахс эса жиноий жавобгарликка тортилган. Депутатлар экологик ҳолатни яхшилаш бўйича муайян ишлар қилинганлигини қайд этар экан, қўмитанинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги мувофиқлаштирувчилик фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Айниқса, давлат муҳофазасига олинган ҳудудларнинг ерлари ва сув фондидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш, экологик тоза технологиялар, тозалаш иншоотлари ҳамда қурилмаларининг илмий-техникавий ишланмаларини амалда қўллаш лозимлигини таъкидлаб, бу бўйича қатор вазирлик, идоралар ва ташкилотларга тегишли тавсиялар бериш мақсадга мувофиқлигини эътироф этдилар.

Шунингдек, йиғилишда «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган ва Тошкент вилоятларидаги ижроси ҳам муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан дастлаб Наманган вилояти ҳокими ўринбосари А. Болтабоев ҳисобот берар экан, у 1990 йилда ёпилган Чоркесар шахтасидаги вазиятга йиғилиш қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Унинг айтишича, ушбу шахта бир неча йил қаровсиз ётгани оқибатида атрофга таъсири анча ортган. Айниқса, у ердан ифлос сувнинг сизиб чиқиши нафақат табиатга, балки аҳоли соғлиғига ҳам жиддий хавф солган. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбир туфайли эса хавфнинг бироз олди олинган. Чоркесар атрофида истиқомат қилаётган аҳолини хавфсиз жойга кўчириш учун 250 миллион сўм маблағ ажратилган. Айни пайтда замонавий инфратузилмага эга бўлган 16 та янги уй тайёр. Бироқ Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросига келганда, мутасадди идоралар Ангрен шаҳри атрофидаги хавфли ҳудудда экологик вазиятни юмшатишга беписандлик билан қараб келаётганлиги танқид остига олинди. Депутатлар Қонун ижросини таҳлил қилар экан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Саноатконтехназорат» агентлиги ҳамда иккала вилоят ҳокимлигига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериш зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Сўнгги соатда

***Кеча Тошкентдаги марказий "Пахтакор" стадионида миллий терма жамоамиз Германияда бўлиб ўтадиган "ЖЧ-2006" саралаш босқичининг дастлабки раунд сўнгги тур учрашувини ўтказди.***



## Ўзбекистон — Хитой Тайпейи — 6:1

Аллақачон кейинги босқич масаласини ҳал қилган футболчиларимиз гуруҳ аутсайдери Хитой Тайпейи терма жамоасига қарши бўлиб ўтган ўйинда йирик — 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Тўпларни жамоа сардори Миржалол Қосимов уч бор ҳамда Александр Гейнрих, Максим Шацких, Леонид Кошелевлар киритдилар.

Ушбу жаҳон чемпионатига саралаш ўйинларини жуда муваффақиятли бошлаган Ўзбекистон миллий терма жамоасининг иккинчи босқичдаги рақиблари номи 9 декабрда Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтадиган қуръа ташлаш маросимида маълум қилинади.

*«САЙЛОВ — 2004»:*

## ЯНГИ КИТОБЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Тошкент давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда "Сайлов-2004" туркумида ўндан зиёд сиёсий адабиётни нашр этди.***



"Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик" (М.Рустамбоев), "Сайловлар ва сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш" (К.Ҳамидова), "Сайлов ҳуқуқи ва сайлов тизими" (Ҳ.Муҳамедов), "Выборы: вопросы и ответы" (Ф.Мухиддинова), "Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва сайлов қонунчилиги" (Б.Мустафоев) китобларида сайлов тушунчасининг мазмун ва моҳияти, уни ўтказиш тартиби ва асослари, сайловчи ва номзодларга қўйиладиган талаблар ҳамда партияларни молиялаштириш асослари батафсил ёритилган.

"Сайлов қонунчилиги: 100 саволга юз жавоб" (М.Аҳмадшоева, Ш.Расулов), "Ким депутат бўлиши мумкин?" (Б.Мустафоев, Қ.Назаров), "Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқининг аҳамияти" (М.Ҳусанова), "Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги этикаси" (О.Жумаев) рисолаларида номзодлар ва депутатнинг маънавий қиёфаси, масъулияти ва бурчи тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритилади.

Бу галги сайлов кампаниясини ёритишда мингга яқин оммавий ахборот воситаси иштирок этаётир. "Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари" (Ғ.Мирзаев) рисоласида сайловлар ва оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳамда жамият қурилишини демократлаштириш жараёнида тутган ўрни қизиқарли фикр-мулоҳазалар асосида очиб берилган.

"Сайловлар ва сиёсий партиялар" (И.Беков, Ш.Аббосхўжаев), "Международное право и избирательное законодательство Республики Узбекистан" (А.Саидов), "Формирование Сената" (С.Лебедева), "Избирательное право и избирательный процесс в Узбекистане: словарь" (Б.Мустафоев, Д.Ахмедов) китобларида эса халқаро сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва андозалари, юртимизда Олий Мажлис Сенатини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказиш тартиби содда ва равон тилда тушунтирилган.

Сайловчилар, депутатликка номзодлар, сайлов комиссиялари аъзолари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари ва кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган ушбу китоблар Тошкент давлат юридик институти босмахонасида кўп минг нусхада чоп этилди.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

26 декабрь
Халқ. Демократия. Сайловлар

# Шароит тенг, имконият баробар

**Демократия ифодаси бўлган сайловлар яқинлашгани сари бу муҳим сиёсий тадбирни ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга сафарбар этилган махсус комиссиялар фаолияти ҳам кун сайин тиғизлашмоқда. Наманган вилоят сайлов комиссиясида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Бу ерда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида комиссия котиби Шарофиддин Болтабоев шундай дейди:**

— Бу галги сайловларда вилоят бўйича бир миллион 132 минг 821 нафар фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Комиссиямизнинг диққат-эътибори сайловчиларнинг барчаси Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари учун етарли шарт-шароит яратишга қаратилган.

Айтиш мумкинки, бўлажак сайловлар олдингиларидан бирмунча фарқланади. Боиси, замондошларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўсиб, ҳуқуқий билимлари кенгайган, бир сўз билан айтганда, уларнинг фаоллиги анча ортган. Буни, энг аввало, фуқаролар жаҳон андозаларига, шунингдек, аввалги сайловлар жараёнида орттирилган тажрибалардан фойдаланиб, такомиллаштирилган қонунларимизни ўрганаётганликларидан ҳам билса бўлади. Масалан, номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар қаторида сайловчилар ташаббускор гуруҳлари астойдил ишга киришгани, бунинг устига дастлабки номзодларнинг ҳужжатларини ҳам айнан улар топширганлиги аҳоли ижтимоий фаоллиги ошганлигининг ёрқин белгисидир. Комиссиямизга ана шундай гуруҳлардан 9 таси мурожаат қилди.

Сайловларда қатнашиш истагини билдирган сиёсий партиялар билан муносабатлар борасида илгари орттирган тажрибаларимиз қўл келяпти. Бугун улардан бештаси ҳар бир округга биттадан номзодини тавсия этишяпти. Умуман олганда, вилоят Кенгашига сайланиш истагидаги номзодлар сони 360 кишидан ортиши кутилмоқда. Қонунда кўрсатилганидек, сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар ҳамда улар тавсия этган номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлаш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади.

Биз сайловларга ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида асосан жойлардаги 60 та округ ва 544 та участка комиссиялари мададига таянамиз. Чунки фуқаролар сайлов билан боғлиқ саволларига асосан улардан жавоб кутишади. Қуйи бўғинларнинг зарур қўлланма ва кўргазмали қуроллар, шунингдек, электрон алоқа воситалари билан таъминланганлиги сайловчиларнинг етарли маълумот олиши учун асос бўла олади. Бундан ташқари, комиссиямиз қошида ташкил этилган матбуот маркази ёрдами ҳар қадамда сезилиб турибди. Шу кунларда вилоятда чоп этиладиган 51 номдаги газета, иккита телеканал ва «Олтин замин» радиоси чиқишларида сайловлар тарғиботи бош мавзуга айланган.

Сайловлар ўтадиган сана кун сайин яқинлашмоқда. Бугун номзодларни рўйхатга олишга киришган бўлсак, эрта-индин бу иш тугалланиб, уларнинг исми-шарифи газеталарда эълон қилинади. Шунда фаолиятимизнинг янада масъулиятли босқичи бошланади. Чунки, овоз беришнинг холис ўтиши айнан номзодлар учун тенг шароит ва имконият яратилиши, уларнинг тарғиботи адолатли олиб борилиши билан боғлиқ. Масаланинг ушбу жиҳатини ҳисобга олиб матбуот марказида ўтказилган йиғилишда оммавий ахборот воситалари барча номзодларга баравар имконият бериш тамойилига қатъий амал қилишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

**«Халқ сўзи» мухбири Қудратилла НАЖМИДДИНОВ ёзиб олди.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги олдидан*

**Жаҳон сиёсий харитасида Ўзбекистон деб аталмиш ҳур ва эркин давлатнинг мавжудлигини, унинг тўлақонли замонавий давлат сифатида яшаётганлигини қонунан кафолатлаб берган бебаҳо ҳужжат — Конституциямиз мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар асосини ташкил этади.**

**Биз жаҳон ҳамжамияти давлатлари қаторидан муносиб ўрин олиб, мустақил мамлакат сифатида ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган эканмиз, бу энг аввало, Конституциямиз туфайлидир.**

**Асосий Қонунимизнинг халқаро майдонда эътироф этилиши шу соҳа бўйича дунёнинг мана-ман деган мутахассислари томонидан юксак баҳога лойиқ топилиши, бу — унинг демократик табиати, умумбашарий қадриятлар асосида қурилганлиги, ҳар бир фуқаро ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари юксак даражада ҳимояланганлиги, қадрланганлигидандир.**




# Буюк келажагимиз кафолати

Халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлган Бош Қомусимиз шу заминда истиқомат қилаётган халқлар, миллатлар, элатларнинг орзу-умидларини, истак ва қарашларини ўзида тўла мужассам этган олий даражадаги ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конституциямиз асосларини тайёрлаш жараёнида дунёнинг 100 га яқин мамлакати тажрибаси синчиклаб ўрганилиб, уларнинг ижобий жиҳатларидан ижодий равишда фойдаланилди. Айни пайтда, ўз мамлакатимиз тарихий тажрибалари, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳам суянилди, улардан келиб чиқилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятимизнинг асосий эътиборини мана шу заминда яшаётган ҳар бир Инсонга, унинг ҳаётини яхшилаш, бу йўлдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратишдан иборатдир. Шу маънода Конституциядаги махсус бир бобнинг Оила масаласига бағишланганлиги, шу асосида мамлакатимизда ҳар бир йил олдига устувор вазифа қўйиб келинаётганлиги, уларда Конституцияда ифодаланган мақсадлар акс этаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Конституциямизда, шунингдек, давлатнинг ягона бойлиги — халқ, деб эълон қилиниб, унинг қадр-қиммати, жамиятда тутган ўрни ва мавқеи баланд кўтарилди. Унинг 2-моддасида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир» дейилган бўлса, 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деб таъкидланган.

Маълумки, аввалги Конституцияларда давлат манфаати халқ манфаатидан устун қўйилган эди. Ҳозирги Конституциямизнинг 50 дан ортиқ моддасида эса «халқ» ибораси қўлланилишининг ўзи ҳам яна бир карра унинг дунёдаги энг демократик, энг халқчил Конституциялардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Яна бир муҳим янгилик шундаки, Ўзбекистон Конституциясида жамият ҳаётининг янги иқтисодий асослари, фуқароларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқлари мамлакатимиз ҳаётида тарихан биринчи марта тўла равишда ўз ечимини топди. Масалан, бугун хусусий мулкка бўлган қараш тубдан ўзгарди. Бу ўзгариш заминида Конституциямизнинг 53-моддасидаги: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади» дейилган концепция турибди. Ўз моҳияти жиҳатидан бу янги қоида шўро конституцияларининг бирортасидан ўрин олмаганди. Ёки яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, собиқ конституцияларда асосий урғу мулкчиликнинг давлат шаклига берилган эди. Барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат ҳисобланиб, фуқаро, шахс манфаати кейинги даражада эди.

Хуллас, шўро конституцияларининг бирортасида ҳам мамлакатдаги ижтимоий қатламларнинг манфаати ҳисобга олинмаган эди, десак хато бўлмайди. Ишлаб чиқариладиган жамики моддий бойликлар, ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки саналарди. Албатта, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби ҳукм сурган даврда хусусий мулк ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Хусусий мулк тушунчаси капитализмнинг сарқити, иллати деб изоҳланарди. Меҳнаткашларнинг пешона тери билан топган мустақил даромадларига доимо шубҳа билан қаралар эди.

Мустақил республикамиз Конституциясида эса мулкчиликнинг ҳамма шаклларига кенг ўрин берилиб, бу соҳада фаолият кўрсатаётган барча касб соҳибларига тўла имкониятлар кафолатланган. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиб, мулк эгаларининг барча ҳақ-ҳуқуқлари қонун йўли билан ҳимоя қилинади.

Жамиятимизнинг демократик хусусиятлари ҳақида гапирганда, Конституциямизнинг 8-моддасидаги қуйидаги сўзларга эътиборни қаратмоқ лозим. Унда шундай дейилади: «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади». Хуллас, республикамизда яшайдиган барча кишиларнинг тенг ҳуқуқлилиги Конституция тамойиллари асосида мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистондек кўп миллатли мамлакат учун бу айниқса зарурдир. Аниқроғи, республикамиздаги бугунги барқарор вазиятнинг, тинчтотувликнинг асосий сабабларидан бири ҳам мана шундадир.

Конституциямизнинг улуғворлигини таъминлаган жиҳатларидан яна бири адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, яхшилик каби улуғ хислатлар унинг мазмун-моҳиятига сингдириб юборилганлигидадир.

**Бердимурод СИДДИҚОВ, тарих фанлари доктори, профессор.**

Хабарлар оқимидан

## Меҳр чашмаси

Тошкент давлат юридик институти талабалари бу галги «Маънавият ва маърифат куни»ни бошқачароқ ўтказишди. Улар пойтахтимиздаги 31-сонли Меҳрибонлик уйида бўлдилар.

Ака-опаларининг беғараз, беминнат совға-саломлар билан ташрифи болаларнинг кўнглини осмон қадар кўтарди. Хурсандчиликларини яширолмаган болалар уларга атаб шеър, қўшиқ айтиб, рақсга ҳам тушиб беришди.

— Болалар билан ишлаш мароқли, гап уларнинг қалбига йўл топа олишда. Агар самимий бўлсангиз ўз онасидай қабул қилишади, — дейди гуруҳ раҳбари И. Ражабова. — Меҳрибонлик уйимизда жуда кўп учрашувлар бўлади. Лекин талабаларнинг келиши ўзгача бўларкан. Сабаби, болалар ўзининг акаси, опаси бўлишини орзу қилади.

Олий ўқув юртларида «Маънавият ва маърифат куни»нинг ташкил этилиши Меҳр ва мурувват йилида айни муддао бўлди. Бу талаба ёшлар ҳам ҳадемай оила қурадилар. Бундай учрашувлар эса ёшларнинг оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлашига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Сурайё САТТОРОВА.**

## Экожурналистика фестивали

Бугун экология масаласи Марказий Осиё мамлакатлари учун жиддий муаммолардан бирига айланган. Уни бартараф этишда эса журналистларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам тўрт йилдан буён Марказий Осиё экожурналистика фестивали ўтказиб келинмоқда. Унда экология мавзусини фаол ёритган журналистлар рағбатлантириб борилаяпти.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида тўртинчи Марказий Осиё экожурналистика фестивалининг очилиш маросими ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда фестиваль атроф-муҳит муаммоларига жамоатчилик эътиборини янада кўпроқ жалб этиш мақсадида ташкил этилаётгани, у БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури томонидан қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Тошкентда ўтказилаётган тўртинчи фестивалда журналистлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё ва Кавказ ҳамда Европа мамлакатларидан келган мутахассислар иштирок этмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**



## Орзулари осмон болалар

*Бир пайтлар қишлоқ билан шаҳар мактаблари ўртасида сезиларли тафовут бўларди. Шаҳарликлар барча шароитларга эга мактабларда ўқишса, айрим қишлоқ ёшлари мослаштирилган мактабларда таълим олишарди. Компьютерлаштирилган хоналарда ўқиш у ёқда турсин, бу ҳақда орзу ҳам қилишолмасди. Шаҳар мактабларидаги шароит улар учун эртакдай туюларди. Бугунчи?*

*— Мактабларимизни кўрсангиз, очиғи, ҳавас қиласиз, — дейди Хатирчи туманидаги Х. Пардаев номли мактаб ўқитувчиси Эргаш Пўлатов. — Пухта билим олиш учун барча шароитлар бор. Кенг ва ёруғ синфхоналар, фан кабинетлари, лингафон ва компьютер синфлари, спорт мажмуаси, ўқув тажриба хоналари... Фақат яхши ўқиш ва ўқитиш керак, холос.*

*Болалар эса ана шу шароитга яраша яхши ўқишяпти. Ушбу мактаб битирувчиларининг аксарияти юртимиздаги турли ўқув даргоҳлари талабалари бўлишаётгани ҳам фикримиз далилидир.*

**СУРАТДА: олий тоифали ўқитувчи Эргаш Пўлатов машғулот ўтаётган пайт.**

**Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ олган сурат.**

# Нақшларда миллийлик руҳи




*Кўргазма*

Ўзбекистон Бадиий академиясида "Туркман тасвирий ва анъанавий санъати" кўргазмаси очилди. Унда туркман элининг урф-одатларига мансуб миллий руҳдаги асарлар намойиш этилмоқда. Кўргазмада асосан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтини турли йилларда битириб, бугунги кунда Туркманистон замонавий санъатида танилган К. Нурлиев, М. Ярамамедов каби рангтасвирчи, ҳайкалтарош, график рассомларнинг асарлари ўрин олган.

Шунингдек, кўргазмада рангтасвир, XIX-XX аср туркман гиламчилиги, анъанавий тўқимачилик, либослар, бош кийимлар, шунингдек, заргарлик санъати намойиш этилмоқда. Бунда, анъанавий эркак ва аёллар либослари бичими диққатни тортади. Чунки уларнинг шакли қадимда қандай бўлса, асрлар давомида ўзгармай бугунги кунгача етиб келган.

"Тахя" ва "бўрук" каби бош кийимлар ҳам каштачилик тарзида безалган. Каштачиликдаги каби гиламчилик, заргарликда, айниқса, аёллар либосларида "кўзтегмас" маъноси, ирими, анъанаси намуналари бўлган ромб, учбурчак, квадрат, гулчамбар, мева, бўта, гулдарахт акс этган тасвирлар кенг учрайди.

**Саид МУҚИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# ДАРЁЛАР МАВЖЛАНИБ ОҚАДИ

**«Изидан чанг-ғубор кўзғатадиганга одамлар эргашмайдилар. Эргаштирмоқ учун уларнинг ортидан юрмоқ зарур».**

(Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Файзулла Маматмуродовнинг сўзидан).

Файзулла ака билан гурунгимиз биз кутмаган мавзудан бошланди.

— Роман Роллан деган ёзувчи бор-ку, француз, — деди у, — жумлаларни би-ир ўйноқлатиб ёзадики, ўқийверсам, завқим тошади. Ёзганлари нимаси биландир Леонардо да Винчи чизган суратларга ўхшаб кетади. Бир қарашда, бир ўқишда тушуниш қийин. Тушуна бошладингми, маҳлиё бўлиб қоласан.

— Китоб, сизнингча, жўнроқ, тушунарлироқ ёзилсами...

— Йў-ўқ. Шундай китоблар борки, қўлингга олиб биринчи жумласини ўқишинг билан муаллифнинг нима ёзганини, нима демоқчилигини тушунасан-қўясан. «Ўзим билган хашаки гаплар экан-у», деб қўлингни силтайсан. Бундай китоб ишлов берилмаган далага, мойи артилмаган тракторга ўхшайди...

Айтмоқчиманки, яшаяпсанми, билки, теварагингда сени кузатиб турганлар бор. Ишлаяпсанми, меҳнатингдан одамларнинг пешонаси тиришмасин. Аксинча, улар сенга завқ билан, ҳавас билан қарасин. Сенинг туғилганинг, яшаётганинг ва яшаяжагинг ана шунда эътироф этилади. Борлигинг билинади...

— Сиз ҳам, Файзулла ака, кўпларни маҳлиё қилиб ишлаяпсиз, — гапга қўшилади ҳамкасбим. — Йигирма йилдан буён раиссиз. Ғалла деймизми, пахта деймизми — барча тармоқлар бўйича режаларингиз беш! Хўжалигингизнинг ишларини худди рельсга ўтқазиб олгандайсиз — бир зайлда, шиддату шижоат билан кетаверади. Бекатларингиз обод. Бу йилги якунлардан ҳам кўнглингиз тўлдими?

Файзулла акага ҳамкасбимнинг мақтови ёқмадими, бурнини тортган бўлиб узоқларга қаради. Лекин саволни жавобсиз қолдирмади:

— 2100 гектар суғориладиган еримиз бор. Шундан 975 гектарида ғалла, қолганида пахта етиштирдик. Режадан зиёд 800 тонна донни иш ҳақига ҳисоблаб берган бўлсак, 411 тоннасини мукофотга улашдик. Пахта бўйича шартнома мажбуриятини 17 кун ичида бажардик. Ҳозиргача эса давлатга 800 тоннадан кўпроқ пахта сотдик. Ҳосилдорлик гектарига 38 центнерни ташкил этди. Бунинг эвазига ҳар гектар ердан ўртача бир миллион сўмдан даромад олдик.

— Бу ютуқларнинг сири нимада?

— Сири ишда-да. Меҳнат-да...

Бу гапни эшитиб, бир воқеани эсладим.

* * *

...Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими идорасида мажлис чақириб қолишди. Кимки келмаса, ишдан бўшатилади — мажлиснинг шарти шунчалар жиддий эди.

Йўқлама қилиб қарасаларки, «Беш қаҳрамон» раиси Файзулла Маматмуродов йўқ. Ҳосилнинг тақдири қил устида турибди-ю, Файзуллабойнинг парвойи фалак. Мажлисга келишдан эринадилар. Билганларидан қолмайдилар. Ҳосил мажлис залларида, маълумотлар ёзиладиган қоғозларда эмас, балки далада яратилади, деб ақл ўргатадилар ҳам яна. Идорададир. Уйидадир. Ё бирон салқинроқ чойхонададир. Топиш керак уни. Мажлисга олиб келиш керак уни. Кўзини очиб қўйиш керак унинг. Биз учун мен илғорман, деб кеккаядиган зўрлар эмас, итоатлироқлар, бўйни бўшроқлар керак.

*Замондошларимиз*

Мажлисни тўхтатиб қўйиб, излашга тушдилар-ку! Топдилар ҳам. Лекин уйдан, идорадан ё чойхонадан эмас, узоқдаги «Оққарчиғай» каналининг бир ирмоғини тозалатаётган пайтида топдилар. Ирмоқ тозаланмаса, сув юрмайди. Етарлича сув юрмаса, 300 гектар ердаги ғўза саратоннинг чилласида қовжираб қолади.

Ваҳима билан мажлисга чорлаб борган одамнинг авзойини кўриб, Файзулла аканинг бурунлари жимирлаб кетди. Ортиқча гап-сўз қилмади. Изига қарай-қарай мажлисга жўнади. «Йўлингизга кўзларимиз интизор» деб мажлисбоши айтган кесатиқ гапларгаям кўп диққат қилмади. Бошқа бировларга тегишли аччиғу чучук гапларни эшитган бўлди-ю, яна кўнгли алағда бўлиб, ўша бошлаб қўйган ишига қайтди...

* * *

Каттакон бир амалдор Файзулла акадан «Ёшингиз нечада?» деб сўраб қолди.

— Йилим — асп...

— Асплигингиз кўриниб турибди. Ёшингиз олтмишга кириб, ғўзани ягана қилишни ўрганмабсиз. Сийрак. Далангиз хариш туядай бўп қопти-ю...

— Яганани агрономимиз, ана, Жумаев Умирбой назорат қилади. Мутахассисларнинг ишига аралашмайман.

— Э, маҳмадона раис, — деди амалдор тишининг орасидан гапириб. — Ҳосил тупдан чиқадими? Қўш қатор қилиб экмаймиз, дейсиз. Йўқ. Уч қатор қилиб экиш керак. Суғуриб ташлаган ғўзаларнинг жойига қўл билан чигит экиб чиқасиз. Экманг-чи...

Амалдор кетди. Атрофдагилар ҳаммасидан ҳам кўра унинг «маҳмадона» деган сўзидан кулишди. Файзулла аканинг ўзиям завқ билан кулди. Чунки олтмиш ёшга кириб, кимларгадир фазилату кимларгадир қусур бўлиб кўринадиган «кам гап» деган ном қозонган одам эди-да.

Шундан кейин ҳам Файзулла ака ўзининг билганидан қолмади. Аниқроғи, фалончи айтдими, бажармоқ керак, деб агрономга ортиқча топшириқ бермади. Лекин шунинг баробарида бир нарсадан ташвишга тушди: мусобақадошлари — узоқроқдаги туман ширкатчилари нима қилишяпти? Ҳалиги амалдорнинг қутқусига учиб, яганани қалин қилиб юборишмадимикин? Ғўзани бедага айлантириб қўйишмадимикин? Алағдаси ошиб, ўша хўжаликка мутахассисини юборди. Сўнг ўзи бориб кўрди. Кўрди-ю, унча-мунча шамолдан асаби қилт этмайдиган Файзулла аканинг бошига оғриқ киргандай бўлди. Ғўза қалин эди. Шоналар тўкилган эди. Ва, энг муҳими, вақт бой берилган эди.

— Айтинг фикрингизнинг ростини, — деди кўзлари мўлтирагандай бўлиб мусобақадош раис.

— Ўзингиз ишлабсиз-у, агрономингиз ишламабди, — деди Файзулла ака узоқларга қараган бўлиб.

— Агрономимиз яхши. Айтганни қилади, — деди раис.

— Бунақа етов, еталатма мутахассисни мен ғўза чопиғигаям йўлатмайман, — деди Файзулла ака.

Ўша йили мусобақадошлари Файзулла аканинг хўжалигига нисбатан 18 центнердан кам ҳосил уйишди. Бу — 1800 тонна пахта бой берилди, дегани эди.

* * *

Маматмуродовни давлат мукофотига тавсия этмоқчи бўлдилар. Шунда ҳайъат аъзоларидан бири қизиқ гап айтди:

— Файзулла ака орденни олгандан сўнг ишламайди. Нафақага чиқиб кетади...

— «Ёшим етиб қолди. Энди мени ишдан бўшатиб қўйинглар» деб ёзган учта аризаси ҳам бор, — деди иккинчиси.

Лекин барибир Файзулла ака «Эл-юрт ҳурмати» орденини олди. Мен ундан нега ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзганининг сабабини сўрайман.

Файзулла ака мийиғида жилмаяди.

— Бош мутахассисларимиз, ҳатто бош пудратчиларимиз — ҳаммасининг менинг ўрнимда ишлаб, хўжаликни бошқара билиш сиёғи бор. Шогирдларимнинг ҳам шаштини кўргим келиб қолади, — деди сўнгра.

— Иш... чарчатаяптими?..

— Одамни иш чарчатмайди. Ваъдани бажаролмаса, бировнинг ҳаққига қўл чўзиб, тўртовнинг кўзига тик қарай олмаса, одамлар изингдан эргашмай қўйса, гапингдан кўнгли зил кетса — ана шу ҳолатлар чарчатади, ҳоритади, қаритади одамни!

— Қачон, қандай дам оласиз?

— Йиғим-терим палласида, биласиз, яхши ниятлар, не бир машаққатлар билан етиштирган ҳосилинг далаларни тўлдириб тошиб туради. Тарозининг шайинларидан рақамлар қарсиллаб-қарсиллаб чиқиб, сафга тизила бошлайди. Одамларнинг дилида — шавқ. Қўлларида — маош. Янгича режалар, орзулар қалбларда ўйноқлай бошлайди. Ҳа, ҳаёт, турмуш, тирикчилик деб аталмиш шу бир чимдим неъмат сенга насиб этдими, завқли, сирли, яъни сеҳрли китобда айтилганидек одамларни маҳлиё этиб яша. Ҳаракат қил: Ҳаракат — меҳнат. Меҳнат — эзгу кураш, Кураш — бахт. Дарёларга қаранг: қаримайдилар, уҳ тортмайдилар. Чарчамайдилар. Дарёлар борлиқнинг, дунёнинг ташвиши билан мавжланиб оқадилар, яшайдилар. Оқимларидаги ўйноқилик, шиддатларидаги шавқ шундан.

— Лекин... қанийди ҳамма дарёлар мисол ишласа, яшаса...

Файзулла ака кулади. «Дарё ўзидан кечиб оқади. Дарёдай бўлиш... осонми?» дейди ва узоқ-узоқларга кўз югуртириб олади.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Воқеа арафасида*

# «Зироат» — деҳқон мададкори

***Деҳқон бой бўлса, юрт янада фаровонлашади, маъмурчилик қарор топади, рўзғорга қут-барака киради. Деҳқон белининг бақувват бўлиши, салоҳиятининг юксалиши, мўл-кўлчиликни яратишга иштиёқи эса кўп жиҳатдан ер билан тиллашишига, навларни танлай билишига, ҳосил кушандасига бўлган ҳашаротларга қарши кураша олишига боғлиқ. Бу борада уларга Андижонда ташкил этилган «Зироат» минтақалараро ўсимликшунослар ассоциацияси яқин кўмакдош бўлиб, кам маблағ сарфлагани ҳолда мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган хорижликлар тажрибасидан, янгиликлардан хабардор этиб келмоқда. Мухбиримиз ассоциация бошқарув кенгаши раиси Абдуқодир КАРИМОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.***

— Ассоциациямизнинг ташкил топганига ҳадемай бир йил тўлади, — дейди Абдуқодир Каримов. — Ўтган давр биз учун, ташкилотимиз фаолиятига катта қизиқиш билан қараётганлар учун синов даври бўлди. Эндиликда сафимизга Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё каби вилоятлардан ҳамда қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод, Тожикистоннинг Хўжанд вилоятларидан ҳам вакиллар қўшилдилар. Ассоциация аъзолари сафини кенгайтириш ва улар билан ишлашни жонлантириш мақсадида Наманган ва Фарғона вилоятларида учрашувлар ташкил этилди.

Ассоциация «Ташаббус-2004» вилоят кўрик-танловида «Энг яхши зироатчи» номинациясини ташкил этиш бўйича таклиф киритган эди. Бу таклиф вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди.

«Зироат» АҚШнинг Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди — «ПРАГМА» корпорацияси билан бевосита ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Корпорация мутахассислари билан доимий алоқада бўлиб, улардан қимматли маслаҳатлар олинмоқда.

Мазкур ташкилотдан ассоциациянинг иш фаолиятини ривожлантириш мақсадида грант олиш учун лойиҳа тайёрланди ва ушбу лойиҳа корпорация томонидан ўрганиб чиқилди. Лойиҳага кўра, вилоят телевидениесида «Зироат» рукнида кўрсатув ташкил қилинди. Унда вилоят зироаткорлари олдида турган долзарб масала — экспорт, импорт билан боғлиқ муаммоларнинг биргаликда ечимини топишга эътибор қаратилмоқда. Етук зироаткорлар, деҳқон ва фермерлар, уруғчилик, дончилик ва сабзавотчилик селекцияси билан шуғулланувчи илмий-текшириш институтлари олимлари ҳамда қўшни вилоятлардан таклиф этилган биродарларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашмоқдалар.

Ўсимликлар ривожи ҳамда ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан ерларимизнинг унумдорлигига боғлиқ. Тупроқ таркиби ўғитларга, микроэлементларга қанча бой бўлса, шунча яхши. Афсуски, уларнинг миқдорини аниқлаб берадиган агрокимёвий лабораториялар сони чекланган бўлиб, мавжуд асбоб-ускуналарнинг кўпи маънан эскирган. Деҳқонларимизнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжини қондиролмайди. Шу боис халқаро нодавлат ташкилот ҳисобланган «Мерси» корпуси гранти ҳисобига хорижнинг илғор агрокимёвий лабораториясини вилоятга келтириб, деҳқонлар хизматига йўналтирмоқчимиз.

Барча соҳаларда бўлгани каби зироатчилар ўртасида ҳам аҳборотлар алмашинувини йўлга қўйиш, янгиликларни оммалаштириш, бой тажрибаларни баҳам кўришдан ташқари, хорижлик ҳамкорлар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу мақсадда биз интернет тармоғига «Зироат WEB» сайтини киритишга ҳозирлик кўряпмиз.

Жорий йилнинг 20-21 ноябрь кунлари Андижон шаҳридаги савдо-саноат палатаси биносида ЮСАИД халқаро ташкилотининг «Прагма» корпорацияси билан ҳамкорликда кўргазмали савдо-ярмарка ўтказмоқчимиз.

Унда «Зироат» минтақалараро ўсимликшунослар ассоциацияси аъзолари ҳамда ташкилотимиз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган боғбонлар, деҳқонлар, сабзавоткорлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар намойиш этилади.

Ўйлайманки, бу галги савдо-ярмаркамиз маъмурчилик, фаровонлик йўлида ҳормай-толмай ишлаётган, янги навлар устида изланишлар олиб бораётган «Зироат»чи жамоаси меҳнати маҳсулининг намойишига айланади.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2004 ЙИЛ УЧУН
АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

АСПИРАНТУРА
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: математик анализ; эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; математик логика, алгебра ва сонлар назарияси; деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; назарий физика; радиофизика; физикавий электроника; қаттиқ жисм физикаси; электрофизика; аналитик кимё; физик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси, биофизика; биокимё; зоология; петрография, вулканология; палеонтология и стратиграфия; литология; картография, археология; фалсафа тарихи; дин ва ҳурфикрлилик фалсафаси; табиатшунослик ва техниканинг фалсафий масалалари; ижтимоий фалсафа; миллий адабиёт тарихи; адабиёт назарияси; герман тиллари; қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; ўқитиш назарияси ва услубияти; сиёсий фан назарияси ва тарихи.

ДОКТОРАНТУРА
Дифференциал тенгламалар; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; эстетика; журналистика.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати шу йил 24 ноябргача.
Маълумотлар олиш учун университетнинг аспирантура бўлимига: Тошкент шаҳри, Олий ўқув юртлар шаҳарчаси, маъмурий бино, 11-қават, 113-хонага мурожаат қилинг.
Телефон: 46 - 74 - 35.
10081R/2532

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
2004 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:
АСПИРАНТУРА
Акушерлик ва гинекология (1), ички касалликлар (1), кўз касалликлари (1), асаб касалликлари (2), онкология (1), психиатрия (1), гематология ва қон қуйиш (1), анестезиология ва реаниматология (1).
Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700007, Тошкент ш., Паркент к., 51-уй, докторантура ва аспирантура бўлими.
Телефон: 68-26-38.
10107R/2582

Katris ФИРМАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Ҳурматли пойтахтимиз аҳолиси!
«O`ZTEMIRYO`LYO`LOVCHI» OAJ
«Тошкент-Самарқанд-Тошкент» йўналишидаги 50 ва 49-йўловчи поездлар вагонларида ишлаш учун 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ВАГОН ХИЗМАТЧИСИ ВАЗИФАСИГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Й.Охунбобоев к., 34-уй, 3-қават, «Сервис экспресс» бўлими. Телефон: 199-71-99.

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
2004-2005 ўқув йили учун
аспирантурага
танлов асосида қабул эълон қилади.
Юқумли касалликлар — 1 ўрин.
Вирусология — 1 ўрин.
Маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Муродов кўчаси, 7-уй.
Телефон: 24-64-41.
10099R/2570

GSM UZDUNROBITA first cellular
GPRS – Исталган жойда мобиллик!
General Packet Radio Service
Маълумотларни симсиз узатиш хизмати.
Интернетга ва электрон почтага мобил уланиш имконияти.

NEW! "Уздунробита GSM" тармоғининг навбатдаги кенгайиши!
"Уздунробита GSM" тармоғи Тошкент вилоятининг Оққўрғон ва Олимкент шаҳарларида ишга тушди.
NEW! Telefonica (Испания) компанияси абонентлари билан халқаро SMS хабарлар алмашинуви ишга тушди.
Telefonica (Испания) абонентларига 1 халқаро SMS хабарини юбориш - $0,12.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Хизматлар лицензиялаштирилган

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11.

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.
Товар сертификатланган

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
2004 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
қабул эълон қилади:

ДОКТОРАНТУРА:
1. Педиатрия - 1
2. Тери-таносил касалликлари - 1

АСПИРАНТУРА:
1. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари - 2
2. Педиатрия - 1
3. Юқумли касалликлари - 1
4. Тери-таносил касалликлари - 1
5. Болалар жарроҳлиги - 1

КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:
1. Ариза.
2. Шахсий варақа фотосурати билан.
3. Тавсиянома.
4. Таржимаи ҳол.
5. Диплом нусхаси, дипломга илова.
6. Паспорт, ҳарбий гувоҳнома тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси.
7. Чоп этилган илмий мақолалар рўйхати /ихтисос бўйича реферат/.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2004 йил 1 декабргача.
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700140, Тошкент ш., Ж. Обидова кўчаси, 223, тел. 60-12-29.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
курортология ва физиотерапия мутахассислиги бўйича 2004 йилга аспирантура ва докторантурага
танлов эълон қилади.
Ҳужжатлар 2004 йил 5 декабргача қабул қилинади.
Манзил: 700084, Тошкент ш., Хуршид к., 4-уй, Саломатликни тиклаш ва физиотерапия ИТИ.
Телефонлар: 134 - 55 - 00, 134 - 30 - 77.

Организация реализует со склада вТашкенте:
КАБЕЛЬ
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
СВЕТИЛЬНИКИ
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29 д, дом быта "Узбекистан", 5-й этаж.
Т./ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

## Хитой ва Аргентина ҳамкорлиги



*Хитой ҳукумати яқин ўн йил давомида Аргентина иқтисодиётини ривожлантириш учун 20 миллиард доллар ажратмоқчи. Расмий Пекиннинг бу ҳақдаги режаси Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Аргентинага қилган ташрифи чоғида маълум қилинди.*

*Хитой давлати раҳбарининг маълум қилишича, Пекин Лотин Америкаси мамлакатлари иқтисодиётига ўн йил давомида 100 миллиард долларлик сармоя киритмоқчи.*

## Президент ваъда берди

*БМТ томонидан Кот-д'Ивуарга қурол-яроғ киритишни тақиқловчи эмбарго эълон қилинганди. Мамлакат президенти Лоран Гбагбо тинчлик йўлида қилинаётган ишларга тўсқинлик қилмасликка ваъда берди. У мазкур резолюция талабларига исёнчилар ҳам тўлиқ амал қилишини таъминлаб берилишини сўраб БМТга мурожаат билан чиқди.*

## Қўшинлар олиб чиқилмоқда



*Ҳиндистон Мудофаа вазирлиги берган маълумотга қараганда, катта тортишувларга сабаб бўлаётган Жамму ва Кашмир штатидан бир қанча ҳарбий бўлинмаларни олиб чиқиб кетиш ишлари бошланди. Аммо ҳарбийлар сони ҳозирча аниқ кўрсатилмаган.*

*Ҳиндистоннинг бу ҳаракати ҳудудда сақланиб турган таранг вазиятни бироз юмшатди. Манбада айтилишича, Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Синх штатдаги аҳволни бориб кўрганидан сўнг, ҳукумат шу қарорга келди.*

## Айбига иқрор бўлди

*Мадриддаги темир йўл вокзалида юз берган портлашларда гумон қилинаётган террорчи иши судда муҳокама қилинмоқда. 16 ёшли Испания фуқароси ўз айбига иқрор бўлди. У Мадриддаги хунрезликларда фойдаланилган портловчи моддаларни террорчиларга етказиб берганлигини тан олди.*

*Жорий йил 11 мартда рўй берган террорчилик оқибатида 191 одам ҳалок бўлганди.*

## Покистонда портлаш



*Покистоннинг Мингор шаҳридаги кинотеатрлардан бирида бомба портлади. Натижада 2 киши ҳалок бўлди, 29 киши турли даражада жароҳатланди. Мамлакат полицияси жиноятга алоқадорликда гумон қилинаётган бир шахсни қамоққа олди. У портлаш чоғида жароҳатланган экан.*

*Ҳозирча бу террорчиликни ҳеч бир гуруҳ ўз зиммасига олмади. Маҳаллий полиция ҳам бу ҳақда тахминларга эга эмас.*

## Қалбакилаштиргани учун ўлим жазоси

*Вьетнамда маҳаллий валютани қалбакилаштирганлиги учун 31 ёшли Трантхи Май Ха ўлим жазосига маҳкум этилди. У жами 100 минг долларлик қийматдаги маҳаллий валютани сохталаштирганликда айбдор деб топилди. Бу ҳақда суд вакили журналистларга маълум қилди.*

## Амалиётлар тугади



*Ироқнинг Мосул шаҳрида ўтказилган операциялар чоғида халқаро иттифоқчи кучлар жиддий қаршиликларга дуч келишмади. Бу каби ҳарбий амалиётларни ўтказишдан мақсад, бир неча полиция участкалари фаолиятини қайта тиклаш, исёнчиларни қўлга олишдир. Бир ҳафта олдин исёнчилар олтита полиция ҳудудини эгаллаб олишганди.*

*Ҳарбий амалиётлар пайтида 1200 нафар аскар иштирок этди.*

## «ЖЧ-2006» рамзи тақдимоти

*Лейпциг шаҳрида футбол қироли Пеле ва «ЖЧ-2006» ташкилий қўмитаси раҳбари Франц Беккенбауэр Германияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати рамзи ва тўпини намойиш қилишди. Рамзда «Голлео 6» номини олган шер акси туширилган. Расмий тўпни эса «Пилле» деб номлашди.*

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## Сайёҳлар учун коллоквиум

Франциянинг "Soleil Levant" сайёҳлик ассоциацияси бош қароргоҳида "Самарқанд маҳобати" мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Унда қатор савдо ва сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этишди.

— Ассоциация узоқ йиллардан буён Ўзбекистон ва унинг шаҳарлари тарихини ўрганмоқда, — дейди унинг президенти А.Лонгьер. — Самарқанд жаҳон цивилизацияси тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди. Унинг меъморий обидалари, тарихий аҳамият касб этиши билан бирга улкан сайёҳлик имкониятига ҳам эга. Учрашувни ўтказишдан мақсад — Франциядан Ўзбекистон ва Марказий Осиёга кўпроқ сайёҳларни жалб қилишдан иборат.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда бугун ҳукм сураётган ижтимоий-иқтисодий вазият, Самарқанд тарихи ҳақида батафсил маълумот олдилар. Шунингдек, юртимиз шаҳарлари, сайёҳлик йўналишлари ва Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқий фестивал тўғрисидаги видеофильмлар намойиш этилди.

Келаси йилнинг баҳорида Тошкент-Хива-Бухоро-Самарқанд-Шаҳрисабз-Тошкент йўналиши бўйлаб сафар қилишни режалаштирган сайёҳлик гуруҳи вакиллари билан савол-жавоблар кечаси бўлиб ўтди.

**"Жаҳон" АА.**

## Номзодлар теледебати



Украина президентлигига номзодлар — Виктор Ющенко ва Виктор Янукович теледебат ўтказишди. Бу тортишув мамлакат миллий телевидениеси орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Қуръа ташлаш натижасига кўра, баҳсни Янукович бошлади. У дарҳол «бутун сайлов кампанияси давомида ўзига қора чаплаган» сиёсий рақибларига ҳужум қилишга ўтиб, Ющенко жамоасини «инқирозга юз тутганига қарамасдан, ҳокимиятга яна интилаётган амалдорлар ва сиёсатчилар» деб атади. Баҳсда Янукович асосий қуроллардан бири сифатида ўзининг ҳукуматга раҳбарлиги давомида юз берган саноатдаги ўсишни қайта-қайта таъкидлади. Дарҳақиқат, ялпи ички маҳсулот Ющенко даврида эмас, балки Янукович даврида анча ўсганини тасдиқловчи кўрсаткичлар мавжуд.

Бу фикрга, табиийки, унинг рақиби мутлақо қўшилмади. «Мен бир нарсага аминман — камбағал, қарам ва ҳуқуқсиз яшаш халқнинг жонига тегди», деди Ющенко ва Украинадаги қариялар нафақаси собиқ иттифоқ давлатлари орасида энг паст, маош эса Европадаги энг қуйи даражада эканлигини эслатди. У дебатда ҳужум тактикасини танлади: Украинани жиноий тўдалардан озод қилиш, коррупция, сайлов натижалари сохталаштирилганлиги ҳақида гапирди.

Дебатлар худди сайловнинг биринчи тури каби дуранг билан якунланди ва иккала номзодга ҳам ўзини ғолиб эканлигини таъкидлаш имконини берди. Украинанинг бешта мустақил телеканали «иккинчи раунд»ни ўтказиш таклифи билан чиқди. Бироқ Янукович штаби бош вазирнинг «ўта бандлиги»ни айтиб, бу таклифни рад этди.

Сиёсатшуносларнинг фикрига қараганда, эфир доирасида берилган вақт (48 минут) давомида Янукович ўзини Ющенкога нисбатан бироз яхшироқ тутган. Бироқ, дебатда Януковичнинг бироз устунлиги сезилди. Таҳлилларга кўра, теледебатлардан сўнг Украинанинг ғарбий қисмида Ющенконинг, шарқий қисмида эса Януковичнинг рейтинги кўтарилган.

**Ботиржон ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Диктатор суд қилинади

Саддам Ҳусайн қўлга тушгандан сўнг унинг кейинги тақдири нима бўлди? Уни суд қилиш масаласи қандай ҳал этилаяпти? Шу каби саволлар бугун кўпчиликни қизиқтириши табиий. Жаҳон матбуоти саҳифаларида бу борада бир неча чиқишлар бўлди. «Вашингтон пост» газетасида Саддам Ҳусайннинг бугунги аҳволи билан боғлиқ мақола босилди. Ироқ Бош вазири Айяд Алавий газетага берган интервьюсида айтишича, унинг эси оғиб, айни пайтда тоат-ибодат билан шуғулланаяпти. Бошқа бир манбада диктатор ўз одатига содиқ қолиб, кунни домино ўйнаш билан ўтказмоқда. Бироқ барча манбалардан бир нарса аниқки, Саддам Ҳусайн суд қилинади.

Бағдод ва Ал-Фаллужа шаҳарларидаги, умуман Ироқдаги нотинчликлар ва бу туфайли АҚШга ҳамда иттифоқчи кучларга туғдираётган қийинчиликлар бархам топиб, унутилади. Аммо ҳозирда Америка армияси назоратидаги қамоқхонада сақланаётган Саддам ва унинг тарафдорлари қилмишларига яраша суд олдида жавоб бериши тайин.

Шу масалада иштирок этаётган хорижлик судьяларнинг таъкидлашича, Ҳусайнга нисбатан барча айбловларни ўрганиб чиқиш жараёнида ироқлик ҳамкасблари гувоҳлар кўргазмаларига ва далилларга жиддий эътибор беришмаётгани маълум бўлди. Улар ҳатто, халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳам бехабар. Шунга қарамай, адвокатлар гуруҳи ишламоқда, фуқаролар гувоҳлик беришга чақирилмоқда. Хуллас, диктаторнинг сувдан қуруқ чиқиши амримаҳол.

*Жаҳон матбуоти саҳифаларида*

Алавий сентябрь ойида АҚШга қилган ташрифи чоғида тез орада суд бошланиши ва ҳукм ўқилиши тарафдори эканлигини таъкидлаганди. Суд жараёнларининг бунчалик қисқа давом этиши бааслар партиясининг юқори мартабали шахслари жавобгарликдан қутилиб қолишига замин яратади. Бироқ АҚШ ҳукумати Алавийнинг бундай йўл тутишига кўнмаслиги аниқ.

Тоталитар режим даврида бутун миллат азият чекди. Мамлакатдаги шиалар, суннийлар, курдлар ҳам жабр кўрдилар. Кенг кўламли суд жараёнларида зўравонлик, террорчилик, собиқ ҳукумат билан боғлиқ коррупция жиноятлари батафсил кўриб чиқилади. Бунда ироқликларнинг аламли хотирасига таянилиши шубҳасиз.

Халқаро коалицион кучлар мамлакатга киргунига қадар ҳукумат тузилмалари етарли даражада ишламаган. Этник можаролар мавжуд эди. Ҳозирда кенг кўламда давом этаётган мунозаралар Ироқнинг бугунги аҳволи тўғрисида кетмоқда. Энг муҳими, ироқликларнинг бугунги кунга ишончи қандайлигида.

Ушбу муаммоларнинг барчасини АҚШ ҳукумати бартараф этади. Аммо бу йўлда биринчи қадам Ироқ ҳукумати бошчилигида Саддам Ҳусайнни одилона суд қилишдир. Бунинг учун эса трибунал хориж судьяларига, чет эллик гувоҳларга ҳамда Америка разведка хизмати тўплаган маълумотларга эҳтиёж сезади. Ҳукумат аъзолари бу суднинг бўлиб ўтиши муҳимлигига Алавийни ишонтиришлари шарт. Саддамнинг ўзини қандай тутиши энди ҳеч кимга қизиқмас. Лекин унинг қилмишига яраша жазо олганлигини келгуси авлодлар ҳам эслаб юришлари лозим.

**Ю.БЎРОНОВ**
**тайёрлади.**

## Мухториятга ким раҳбар бўлади?



Фаластин етакчиси Ёсир Арофат вафотидан сўнг Фаластин раҳбарлигига сайловлар 2005 йилнинг 9 январь куни бўлиб ўтиши маълум қилингач мухторият раислигига номзодлар кўрсатиш бошланди.

Кўпчилик кузатувчилар Фаластин раҳбарлигига номзод кўрсатишда баъзи муаммолар вужудга келиши, хусусан, жараёнга ҳудуддаги террорчилик ташкилотлари аралашишга ҳаракат қилиши мумкин, деган фикрларни айтишганди. Айниқса, кўпчиликни Ёсир Арофат етакчилик қилган Фаластин озодлик ҳаракати(ФАТХ) кимнинг номзодини кўрсатади, деган савол ўйлантираётганди. Чунки Ҳаракатда сайловга номзод кўрсатиш туфайли ички можаролар вужудга келса, бу мухториятдаги вазиятни кескинлаштириб юбориши тайин эди. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозир Исроилда террорчиликда айбланиб 5 марта судланган ва умрбод қамоқ жазосини ўтаётган ФАТХ бош котиби Марван Баргутий ҳам номзодини кўрсатиши мумкинлиги ҳақида хабарлар тарқатилганди. Фаластин қонунчилик кенгаши раисининг ўринбосари Ҳусайн Хрейш шу муносабат билан чиқишида, агар Баргутий Фаластин раҳбарлигига ўз номзодини кўрсатмоқчи бўлса, бунга Конституцияга биноан ҳақи борлигини тасдиқлади. Бироқ Исроил ташқи ишлар вазири Сильван Шалом Баргутий ҳар қандай шароитда қамоқдан озод қилинмайди деди. Шундан сўнг ФАТХ ичидаги низолар хавфи тўғрисидаги гап-сўзлар янада кучайди. Баргутийнинг бу масалага фикри ҳозиргача маълум эмас.



Бироқ ФАТХ аъзолари бундай тахминлар пуч эканини тасдиқлашди. Ўзаро келишувга эришиб мухторият етакчиси сайловига айни пайтда Фаластин озодлиги ташкилоти (ФОТ) ижроия қўмитаси раиси Маҳмуд Аббоснинг номзодини кўрсатишга қарор қилишди. Маълумки, ФАТХ ФОТнинг, мана 40 йилдан зиёд вақт мобайнида, асосий бўлинмаси бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда Фаластин ташқи ишлар вазири Набиль Шаат маълум қилар экан, Маҳмуд Аббоснинг номзодлиги яқин кунларда расман эълон қилинишини билдирди. Мутахассислар ҳам Аббосни мухторият раҳбарлигига асосий даъвогарлардан бири дея эътироф этишмоқда.

Ash-Sharq al-Ausat газетаси фаластинлик миллиардер Муниб ал-Масрий ҳам Мухторият раислигига ўз номзодини кўрсатмоқчилигини маълум қилди. Унда айтилишича, ҳозирги кунда ал-Масрийнинг номзодини Фаластин ва ундан ташқарида яшаётган кўпчилик намоёндалар қўллаб-қувватлашмоқда.



Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Наблус шаҳрида истиқомат қиладиган ал-Масрий Ёсир Арофатнинг яқинларидан бири эди. Шунингдек, у ФОТ Марказий кенгашининг аъзоси. Ал-Масрий банкир, шу билан бирга қурилиш йўналишида фаолият юритадиган қатор йирик компанияларнинг соҳиби ҳамдир. У Фаластин ҳамда Буюк Британия фуқароси. Ўтган асрнинг 80-йиллари ал-Масрий Буюк Британиядаги Фаластин жамоасига раҳбарлик қилган.

Кузатувчилар яқин кунларда мухторият раислигига яна даъвогарлар чиқиши мумкинлигини айтишмоқда.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

## Болгария Европа Иттифоқига қўшилмоқчи

*Аввалроқ эришилган келишувларга кўра, Болгария 2007 йилда Европа Иттифоқига қўшилиши кўзда тутилган эди. Бироқ мамлакат раҳбарияти мазкур нуфузли иттифоққа келаси йилдаёқ қўшилиш ниятида эканлигини маълум қилди. Бош вазир Симеон Сакс-Кобургскийнинг Швециядаги ташриф чоғида берган баёнотига биноан, Болгария келгуси йилда Европа Иттифоқи билан тегишли шартнома тузиш учун ҳаракат бошлаган.*

*"Умид қиламанки, бизнинг бу интилишларимиз тўғри баҳоланади ва биз 2005 йилда, имкони борича тезроқ шартномага имзо чекамиз", деди у Рейтер ахборот агентлигига берган интервьюсида.*

## Кашандаликка қарши кураш



*Ўтган ҳафтада Шотландияда жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини чекиш тақиқланганди. Яқин йиллар давомида Англияда ҳам шундай тартиб ўрнатилиши мумкин. Буюк Британия ҳукумати оммавий кашандаликка қарши курашиш мақсадида жамоатчилик жойларида чекишни қатъиян ман этиш ташаббуси билан чиқди.*

*Эндиликда бу ташаббус Англия парламенти томонидан ҳам қўллаб-қувватлансагина амалиётга жорий этилади.*

**Саидрасул ҒОЗИЕВ.**

Тендерная комиссия

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 4 на 2004-2005 гг.
на приобретение нижеперечисленных
материалов, запасных частей по лотам:

Лот 1. Переводные брусья ГОСТ 8816-79 А3 тип 1 — 200 комплектов.
Лот 2. Шпалы деревянные пропитанные ГОСТ 78-89 тип 1 А — 50 000 штук.
Лот 3. Мостовой брус деревянный пропитанный ГОСТ 28450-90 — 8000 штук.
Лот 4. Колеса цельнокатаные РУ 950 ступица 175 — 5000 штук.
Лот 5. Гильза цилиндра 10Д100 или 2Д100 — 1000 штук.

За тендерной документацией обращаться по адресу:
г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК "Ўзбекистон темир йўллари", Управление "Темирйўлёнилғитаъмин", комната 410. Тел.: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
Micros®
CAS
Биз бутун жаҳонни ўлчаймиз

КАФОЛАТ МУДДАТИ 2 ЙИЛ
Ҳар қандай кўринишдаги электрон ТАРОЗИЛАР
Товар сертификатланган

САВДО УЧУН
ЕРГА ЎРНАТИЛАДИГАН
КРАНЛАР УЧУН
ЛАБОРАТОРИЯ УЧУН
МАХСУС ПЛАТФОРМАЛИ
ОМБОРХОНА УЧУН
АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ТАРОЗИСИ

e-mail: scales@ucd.uz web-site: www.ucd.uz
700060, Тошкент, С. Азимов кўч, 72а
Тел.: (371) 133-85-77, 120-68-61
132-06-61; факс: (371) 132-06-85
Мовароуннаҳр кўч, 19
Тел.: (371) 133-53-79

119 0000
107 0007
ГАЗЕТА ва ЖУРНАЛЛАР
(8500 дан ортиқ номда)
INTER-PRESS
КИТОБЛАР
(30000 дан ортиқ номда)
155 0955
155 3555

